

Чорвачилик



06:10 / 27.09.2018 5071

Ассалому алайкум! Хурматли устозлар, бир танишим билан шерикликда қўй боқиб кўпайтирмоқчи эдик. Бошида мен 4 та қўзи сотиб олиб бераман, у эса уларни бир йил давомида ўз хисобидан боқиб каттартиради ва бир йиллик кетган харажани айтади. Мен кейинги йили у кетказган харажат қанча бўлса шунча пулга яна қўзи олиб бераман. Бунда фойда 50/50 ишламоқчимиз. Яни у бир йилда ем-хашагига 2млн сўм харажат қилган бўлса мен шунча суммалик қўзи олиб бераман. Шу ишимиз ҳалол бўладими?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Шундай қилиб кўрганлардан маслаҳат сўранглар. Сиз каби иш қилганларнинг жуда кўпчилиги бизга чўпонларда хоинлик сифати кучайганини айтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бошқа пайғамбарлар ҳам ижарага қўй боққанлар. Яъни маълум бир ҳақ эвазига боққанлар. Шундай қилсангиз шариатг мувофиқ бўлади. Яъни ем хашагини пулни ҳам боқиб семиртирганини пулни ҳам ижара ҳаққи қилиб берасиз. Мабодо бепарволик қилса, ҳалокатига сабаб бўлса қўйингизни тўлатиб олишга ҳаққингиз бор. Валлоҳу аълам!